ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАТЯКУБОВ АЛИШЕР САМАНДАРОВИЧ

ПАРАБОЛИК ТИПДАГИ НОДИВЕРГЕНТ НОЧИЗИҚЛИ СИСТЕМАЛАР БИЛАН ИФОДАЛАНУВЧИ ЖАРАЁНЛАРНИ СОНЛИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи (физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА фанлари доктори (DSc) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

УДК 519.957

Физика-математика фанлари доктори (DSc)
диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата дисертации доктора (DSc)
по физико-математическим наукам

Content of dissertation abstract of the doctor
of physical and mathematical sciences (DSc)

Матякубов Алишер Самандарович
Параболик типдаги нодивергент ночизиқли системалар билан ифодаланувчи жараёнларни сонли моделлаштириш.............................. 3

Матякубов Алишер Самандарович
Численное моделирование процессов, описываемых нелинейными системами параболического типа в недивергентном виде…................... 32

Matyakubov Alisher Samandarovich
Numerical modeling of processes described by nonlinear systems of parabolic type in a non-divergent form ……………………………………… 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works... 66

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МАТЯКУБОВ АЛИШЕР САМАНДАРОВИЧ

ПАРАБОЛИК ТИПДАГИ НОДИВЕРГЕНТ НОЧИЗИҚЛИ СИСТЕМАЛАР БИЛАН ИФОДАЛАНУВЧИ ЖАРАЁНЛАРНИ СОНЛИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА фанлари доктори (DSc) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/FM78 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (ik-fizmat.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Арипов Мирсаид Мирсидикович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Маматов Алишер Зулунович** техника фанлари доктори, профессор
	Полатов Асхад Муҳамеджонович физика-математика фанлари доктори, профессор
	Холмуродов Абдулхамид Эркинович физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Термиз давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Dsc.03/30.12.2019.FM.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «18» июнь соат 14^00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (44 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «15» июнь куни тарқатилди.
(2020 йил 17-рақамли реестр баённомаси).

А. Р. Марахимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

З.Р. Рахмонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

Б.Ф.Абдурахимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Охирги 30 йил мобайнида жаҳон миқёсида фаннинг механика, физика, технология, биофизика, биология, экология, тиббиёт ва бошқа турли соҳаларида учрайдиган, ночизиқли дифференциал тенгламалар орқали ифодаланувчи ҳодиса ва жараёнларнинг математик моделларини ўрганишга катта қизиқиш борлиги кузатилмоқда. Бундай моделларнинг асосини параболик типдаги хусусий ҳосилали ночизиқли дифференциал тенгламалар ташкил этади. Бироқ бугунги кунда тақрибий автомодел ечимларни ўрганаётган, адекват математик моделлаштириш ва компьютер тажрибалари билан тасдиқланган, А.А. Самарский, Курдюмов С. П., В. А. Галактионов, J. Vazguez, Junger ва М.М. Арипов илмий мактаблари яратаётган усуллар мунтазам ўрганилаётган бўлсада, турли ночизиқли математик моделлар учун ҳозирда етарлича асосланган назариялар мавжуд эмас.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда механикада ғовак тупроқдаги фильтрлаш, тиббиётда майда қон томирларида қоннинг ҳаракатланиши, экологияда чиқиндиларнинг буғланиб тарқалиши, биологик популяциянинг ўсиши ва кўчиши жараёнларини ифодаловчи ничизиқли математик моделлар ўрганилган. Шу нуқтаи назардан, қатор математик моделларни ривожлантириш ва мавжуд тадқиқот усулларини умумлаштириш устида салмоқли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда параболик типдаги нодивергент тенгламалар системалари орқали ифодаланувчи жараёнлар ночизиқли математик моделларининг тадқиқ этилиши ва амалиётга татбиқ этиш юзасидан қуйидаги йўналишлардаги илмий-тадқиқот изланишларини амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади: ночизиқли параболик типдаги нодивергент тенгламалар системаларининг сифат хоссаларини ўрганиш усулларини ишлаб чиқиш; турли фазоларда ечим асимптотикаларини топиш; ечимлар баҳоларини аниқлаш; чизиқсиз жараёнларнинг математик моделларини ўрганишга ёрдам берувчи амалий дастурлар мажмуини яратиш; жараёнларни вақт бўйича кечишини назорат қилиш. Юқорида келтирилган илмий-тадқиқотлар йўналишида бажарилаётган илмий изланишлар мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини изоҳлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон «Ўзбекистон Республикасининг саноатини 2011-2015 йилларда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳақида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралидаги 24-сонли

«Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини бундан кейинги ривожлантиришга шароитлар яратиш учун чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли барча меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [1].

Ночизиқли математик моделлар автомодел ечимларининг сифат хоссаларини тадқиқ этиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлари, жумладан, Institute for Calculus Applications (Италия), Mathematisches Institut, RWTH Aachen University (Германия), Universidad Carlos III de Madrid (Испания), National Taiwan Normal University (Тайвань), Zhongshan University, Jilin University, Southeast University, Nantong University, Central South University (Китай), Purdue University (АҚШ), University of Oxford (Буюкбритания), Paris Mathematics Center, Université Paris-Dauphine (Франция), Viena University (Австрия), Bath mathematical center (Буюкбритания), Россия ФАнинг Амалий математика институти, Москва давлат университетида (Россия), Қозоғистон миллий университети, Математика ва математик моделлаштириш институти (Қозоғистон), Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат университети, Урганч давлат университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Параболик типдаги нодивергент тенгламалар ва тенгламалар системаларини тадқиқ этишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган, жумладан: ечимнинг мавжудлик ва ягоналик шартлари топилган, Коши масаласининг вақт бўйича ечимлари хоссалари ўрганилган (Institute for Calculus Applications, Mathematisches Institut, RWTH Aachen University, Purdue University), ночизиқли диффузия тенгламалари учун blow-up ечимлари тарқалиш тезлиги ва мавжудлик шартлари топилган (Universidad Carlos III de Madrid, National Taiwan Normal University, Southeast University, Nantong University, Jiangsu University), бошланғич-чегаравий масаланинг ечимлари локаллашиш хоссасига эга эканлиги исботланган ва ечим баҳоси олинган (Zhongshan University, Jilin University), глобал ечим мавжудлиги критик экспонента қиймати топилган (Central South University).

Дунёда ночизиқли жараёнларни сонли моделлаштириш бўйича бир қатор устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан: чизиқсиз масалаларда вақт бўйича глобал ечимларнинг мавжуд бўлиш шартларини топиш; чекли тезликда тарқалишини аниқлаш; автомодел

[1] Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации составлен на основе следуюших источников: Universal Journal of Computional Mathematics, International Mathematical Journals: Nonlinear Analysis, Applied Mathematical Modelling, Computational Mathematics and Mathematical Physics, http://www.springer.com/mathematics; http://www.sciencedirect.com/science/jrnlallbooks /sub/mathematics.

ечимлар хоссаларини, ечимларнинг асимптотик ҳолатини ўрганиш; эффектив сонли схемаларни таклиф қилиш ва асослаш; чизиқсиз жараёнларни сонли ўрганишга имкон берувчи дастурий воситалар мажмуини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нодивергент ночизиқли тенгламалар ечимлари хоссаларини тадқиқ этиш Фридман ва Маклеод томонидан бошланган. Бу даврда дунё олимлари илмий тадқиқотларида асосий эътибор асосан глобал ечимларнинг мавжудлиги, чекли вақтда чегараланмаган ечим хоссаларини ўрганишга қаратилган. Турли жабҳаларда учрайдиган ночизиқли жараёнларнинг ўрганилаётган математик моделлари натижалари тадбиқ этилди, манба ёки ютилишга эга ночизиқли муҳитларда дивергент тенгламаларга хос бўлмаган янги эффектлар топилди. Жумладан, H.Fujita, M.Bertsch, M.Wiegner, T.Tsutsumi, P. Markovich, M.Ishiwata, M.Wang, S.Zhou, О.А.Олейник, А.С.Калашников, Ю.А.Дубинский, А.И.Кожанов томонидан ечимнинг чегараланмаганлиги, чекли тезликда тарқалиш эффекти ва иссиқлик тарқалишининг фазовий локаллашиши, манба ёки ютилишга эга ночизиқли муҳитларда таъсирланиш жараёнининг чекли вақт мавжуд бўлиши кабилар аниқланди.

Нодивергент тенглама умумлашган ва глобал ечимларини ўрганиш бўйича A.Friedman, J.Mcleod, M.Bertsch, M.Wiegner, T.Tsutsumi, M.Ishiwata, M.Wang, S.Zhou; ечим асимптотикаларини ўрганиш бўйича Gage E., Angenent S., Wiegner M., Winkler M., Jin Ch., Yin J.; параболик типдаги нодивергент квазичизиқли тенглама ва тенгламалар системаси учун Дирихле масаласи билан ифодаланувчи жараёнлар математик модели хусусиятларини аниқлаш бўйича W.Du, J.Yin, Y.Wang, M.X.Wang, Z.Xiang, M.Yongsheng, S.N.Zheng, M.Winkler; нодивергент тенглама ва тенгламалар системаси учун Коши масаласи глобал ечимлар мавжудлиги, blow-up ечимларни тадқиқ этиш бўйича Deng W., Li Y., Xie Ch., Lu H., Duan Z., Zhou L., Wang M., Wei Y., Sun Y., Shi Y., Wu M., Huiling Li, Yang Zhang, Koichi Anadaa, Tetsuya Ishiwatab, Ferreira R., de Pablo A., Rossi J.D. Yunzhu Gao,Qiu Meng, Yingjia Guo, Zhi-wen Duan, Li Zhou лар шуғулланишган.

Ўзбекистонда ночизиқли диффузия масалалари билан Н.Муҳитдинов, Б.М.Хужаяров, А.С.Расулов, М.Арипов, Н.Равшанов, Ж.Тохиров, Кортевег-де Фриз тенгламалар учун турли масалалар билан О.Ҳасанов, Г.Ўрозбоев ва уларнинг шогирдлари шуғулланишган. Уларнинг асосий ишлари дивергент тенглама ва тенгламалар системаси билан ифодаланадиган ночизиқли диффузия масаласи ечимлари хоссаларини сонли ўрганишга бағишланади ва бу методларни фильтрация, диффузия, иссиқлик ўтказувчанлик жараёнларини моделлаштиришга қўллаш мумкин. Нодивергент тенглама ва тенгламалар системасига оид илмий ишлар билан М.Арипов, Ш.Садуллаева, Д.Мухаммадиева, Ж.Раимбеков, М.Хожимуродовалар шуғулланишган. Улар томонидан автомодель таҳлил асосида табиатшуносликнинг турли соҳаларида учрайдиган жараёнларни ифодаловчи ночизиқли масалалар ечимларининг сифат хоссалари тадқиқ этилган ва сонли ечилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, А-5-44 «Колмогоров-Фишер типидаги чизиқсиз биологик популяция системаларини сонли моделлаштириш» (2015-2017), ОТ-Ф4-30 «Икки марта ночизиқли кросс системанинг конвектив кўчиш, ўзгарувчан зичлик, манба ёки ютиш таъсиридаги сифат хоссаларини тадқиқ қилиш» (2017-2019 гг) мавзуларидаги илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бир жинсли ва ўзгарувчан зичликли муҳитларда манба ёки ютилишга эга квазичизиқли параболик типдаги нодивергент тенгламалар системалари (crosswise) билан ифодаланувчи жараёнларнинг ночизиқли математик моделларининг сифат хоссаларини сонли ва аналитик тадқиқ этиш, ночизиқли чегаравий масалаларни сонли ечиш учун дастурий воситалар мажмуини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бир жинсли бўлмаган муҳитда биологик тур диффузияси жараёни ночизиқли модели ечимларининг вақт бўйича глобаллик ва глобал бўлмаслик шартларини топиш;

нодивергент кўринишдаги ва ўзгарувчан зичликка эга политропик фильтрация жараёни математик моделининг секин диффузияли ҳоли учун тарқалиш тезлигининг чеклилиги ва фазовий локаллашув шартларини топиш;

манба ва ўзгарувчан зичликка эга бузилувчи нодивергент тенгламалар системаси учун Коши ва чегаравий масалаларнинг компакт юритувчили умумлашган ечимларининг асимптотик ифодаларини тадқиқ қилиш;

манба ва ўзгарувчан зичликка эга биологик тур диффузияси системаси ночизиқли математик модели ечимларининг вақт бўйича глобал бўлиш ва бўлмаслик шартларини топиш;

манба ва ўзгарувчан зичликка эга нодивергент параболик тенгламалар системаси учун Зельдович-Баренблатт туридаги ечимлар қуриш ва тарқалиш тезлигининг чеклилиги хусусиятлари ва фазовий локаллашув шартларини исботлаш;

ўзгарувчан зичлик ва манба билан берилган биологик тур диффузияси жараёнлари ночизиқли математик моделларининг сифат хоссаларини ўрганиш учун сонли ҳисоблаш схемаларини, алгоритмини ва дастурий воситалар мажмуини ишлаб чиқиш, ҳамда ечимларни визуаллаштириш;

Тадқиқотнинг объекти параболик типдаги бузилувчи нодивергент тенгламалар системаси билан ифодаланувчи ночизиқли биологик тур диффузияси, икки компонентали ночизиқли муҳитларда иссиқлик тарқалиши, газ ва суюқликларда фильтрация жараёнларидан иборат.

Тадқиқотнинг предметини муҳитнинг бир жинслилиги ва бир жинсли эмаслигини ҳисобга олган ҳолда икки карра ночизиқли ва нодивергент кўринишдаги масалаларни сонли-аналитик жиҳатдан тадқиқ этиш усуллари ва амалиёти ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишида автомодель ва тақрибий автомодель усулларидан, турли турдаги ечимларни қуриш ва таҳлил қилиш учун солиштириш теоремалари, оддий ночизиқли дифференциал тенгламалар системаларини ечиш учун эталон тенгламалар методи, ечимларни баҳолаш усуллари, сонли схемаларни қуриш учун айирмали схемалар, итерация, ҳайдаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

манбасиз ёки манбага эга бир жинсли муҳитда биологик тур диффузияси ночизиқли модели учун вақт бўйича глобал ва глобал бўлмаган ечимларга эга бўлиш шартлари аниқланган;

бир жинсли бўлмаган муҳитда ночизиқли масалаларнинг вақтга кўра глобал ечимга эга бўлишлик ва эга бўлмаслик шартларига таъсири аниқланган;

бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган муҳитда параболик типдаги нодивергент тенгламалар системаси учун Коши масаласининг умумлашган ечимлари учун қуйи ва юқори баҳолар қурилган;

эталон тенгламалар усули ёрдамида параболик типдаги нодивергент тенгламалар системаси учун Коши масаласининг турли автомодель ечимлар асимптотикаларининг бош ҳадлари олинган;

манбасиз ёки манбага эга параболик типдаги нодивергент тенгламалар системаси учун Зельдович-Баренблатт туридаги ечимлар ва улар асосида тарқалиш тезлигининг чеклилиги хусусиятлари аниқланган;

ўзгарувчан зичликли биологик тур диффузияси ночизиқли математик моделларининг сифат хоссаларини ўрганиш учун сонли ҳисоблаш схемалари қурилган, алгоритмлар, дастурий воситалар комплекси Matlab муҳитида ишлаб чиқилган ва ночизиқли масалаларнинг ечимлари визуаллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Турли соҳаларда вужудга келадиган ночизиқли масалаларни ечиш учун асимптотик формулалар қурилган, консерватив айирмали схемалар ва итерацион жараён қурилган, ҳамда дастурлар мажмуи яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижалар ва тасдиқлар қатъий исботланган ва сонли тадқиқотлар натижалари билан тасдиқланган. Ечимлар учун олинган баҳолардан фойдаланган ҳолда ечимларнинг сонли таҳлили келтирилган бўлиб, улар диссертация ишида таклиф этилган усулларини ҳамда эталон тенгламалар методи ва ночизиқли эффектларни сақлаган ҳолда автомодель таҳлилга асосланган ҳисоблаш методларининг тўғрилигини ва самарадорлигини тасдиқлаганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, шунга ўхшаш масалаларни ечишда Коши масаласи ва ночизиқли математик моделлар ечимларининг глобал мавжудлиги назариясини қўллаш ҳамда олинган натижалар биологик тур диффузияси, Колмогоров-Фишер туридаги биологик популяция масаласи, инфекцион касалликлар тарқалиши, кучсиз магнит майдонларида резистив диффузия ҳодисалари ночизиқли моделларида қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти қурилган итерацион жараёнлар, ишлаб чиқилган сонли схемалар ва дастурий воситалар комплекси турли ночизиқли икки компонентали муҳитларда диффузия, фильтрация, реакция-диффузия, иссиқлик ўтказувчанлик масалаларининг секин ва тез кечувчи диффузия ҳолларида сонли ҳисоблаш экспериментларини ўтказишга имкон беради ҳамда ўрганилаётган ночизиқли масалалар синфи учун янги эффектлар – ечимнинг локаллашуви ва чекли тарқалиш ҳодисаларини аниқлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Параболик типдаги нодивергент тенгламалар системаси билан ифодаланадиган биологик тур диффузияси жараёнлари тадқиқотида олинган натижалар қуйидагича амалиётга жорий қилинган:

бир жинсли бўлмаган муҳитда параболик типдаги нодивергент тенгламалар системаси билан ифодаланадиган ночизиқли моделлар ечимлари вақтга кўра глобал ечимга эга бўлишлик ва эга бўлмаслик шартлари РФФИ №18-51-41002 «Кесишиш эффектлари билан диссипатив яқинлашишда икки фазали муҳитнинг термодинамик изчил моделини математик моделлаштириш» грант лойиҳасида тўғридан-тўғри ва тескари масалаларнинг ечимини исботлашда қўлланилган (РФА СБ Ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика институти (Россия)нинг 2019 йил 12 сентябрдаги 15301/09-324-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши априор ахборотларни ҳисобга олиш имконини берган;

параболик типдаги нодивергент тенгламалар системаси билан ифодаланадиган биологик популяция ва бир жинсли бўлмаган муҳитда иссиқлик тарқалиш жараёнларини сонли ечишда ечим асимптотикаларини (асимптотиканинг бош ҳадлари) бошланғич берилганлар сифатида асослаш РФФИ №18-51-41002 «Кесишиш эффектлари билан диссипатив яқинлашишда икки фазали муҳитнинг термодинамик изчил моделини математик моделлаштириш» грант лойиҳасида тўғридан-тўғри ва тескари масалаларнинг ечимини исботлашда қўлланилган (РФА СБ Ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика институти (Россия)нинг 2019 йил 12 сентябрдаги 15301/09-324-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши иссиқлик физикаси ва биологик жараёнларнинг тескари масалаларини ечишда янги сонли алгоритмларни асослаш имконини берган;

бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган муҳитда параболик типдаги нодивергент тенгламалар системаси учун Коши масаласи умумлашган ечимларининг қуйи ва юқори баҳолари МК-1152.2018.1 «Фрактал осцилляторларнинг кенг синфини ўрганиш» грант лойиҳасида Коши масаласининг глобал ечими мавжудлигини исботлашда қўлланилган (Камчатка давлат университети (Россия)нинг 2020 йил 16 январдаги 18-22-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши ночизиқли жараёнларни визуаллаштиришга хизмат қилган ҳамда Коши масаласининг глобал ечими мавжудлигини исботлашга имкон берган;

ишлаб чиқилган алгоритмлар ва дастурий воситалар комплекси «Тўқимачилик материалларининг ғоваклиги ва ҳаво ўтказувчанлиги» грант лойиҳасида ночизиқли математик моделларни ўрганиш учун қўлланилган (Аттика ғарбий университети (Греция)нинг 2018 йил 27 июлдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши тўқимачилик материалларининг ҳаво ўтказувчанлиги жараёнларини визуаллаштиришга хизмат қилган;

ўзгарувчан зичликли биологик тур диффузияси ночизиқли математик моделлари сифат хоссаларини ўрганиш учун таклиф этилган ҳисоблаш схемалари МК-1152.2018.1 «Фрактал осцилляторларнинг кенг синфини ўрганиш» грант лойиҳасида ночизиқли математик моделларни ўрганиш учун қўлланилган (Камчатка давлат университети (Россия)нинг 2020 йил 16 январдаги 18-22-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши биологик популяция ночизиқли жараёнларини визуаллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 31 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 22 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 49 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 194 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Икки карра ночизиқли муҳитда биологик тур диффузияси жараёнини математик моделлаштириш»** деб номланган биринчи боби манбага эга бўлмаган бир жинсли муҳитда диффузия тенгламалар системаси учун Коши масаласи автомодель ечимлари асимптотикаларини тадқиқ этишга бағишланган.

Биринчи параграфда манбага эга ночизиқли диффузия жараёни математик моделининг хоссалари ва бу соҳада олинган халқаро илмий тадқиқотлар натижалари баёни келтирилган.

Иккинчи параграфда асосий таърифлар ва ёрдамчи тасдиқлар келтирилган.

3-параграф ночизиқли муҳитда диффузия жараёнини моделлаштирувчи параболик типдаги тенгламалар системаси учун қуйидаги Коши масаласи автомодель ечимлар асимптотикаси тадқиқига бағишланган:

$$\begin{aligned} &\frac{\partial u}{\partial t} = v^{m_1}\frac{\partial}{\partial x}\left(\left|\frac{\partial u}{\partial x}\right|^{p-2}\frac{\partial u}{\partial x}\right), \\ &\frac{\partial v}{\partial t} = u^{m_2}\frac{\partial}{\partial x}\left(\left|\frac{\partial v}{\partial x}\right|^{p-2}\frac{\partial v}{\partial x}\right). \end{aligned} \qquad (t,x)\in Q, \qquad (1)$$

$$u(0,x)=u_0(x),\ v(0,x)=v_0(x), \qquad x\in R, \qquad (2)$$

бу ерда $Q=R^+\times R$, p, m_1, m_2 - ҳақиқий мусбат сонлар, $u=u(t,x)\ge 0, v=v(t,x)\ge 0$ - изланаётган ечим, $u_0(x),\ v_0(x)$ - чегараланган, узлуксиз, манфий бўлмаган функциялар.

Маълумки, (1) тенгламалар системаси бузилувчи бўлиб, $u=0,\ v=0$ ёки $\left|\frac{\partial u}{\partial x}\right|=0, \left|\frac{\partial v}{\partial x}\right|=0$ бўлганда классик ечимга эга бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун унинг ечимини $\left|\frac{\partial u}{\partial x}\right|^{p-2}\frac{\partial u}{\partial x},\ \left|\frac{\partial v}{\partial x}\right|^{p-2}\frac{\partial v}{\partial x}\in C\left(R_+^N\times(0,+\infty)\right),\ u\ge 0,\ v\ge 0$ синфда умумлашган ечим сифатида қаралади ва (1) тенгламалар системасини интеграл айният маъносида каноатлантиради.

Қуйидаги автомодель ечимни қарайлик

$$u(t,x)=(T+t)^{-\alpha_1}w(\tau,x),\ v(t,x)=(T+t)^{-\alpha_2}\psi(\tau,x),$$

$$w(\tau,x)=f(\xi),\ \psi(\tau,x)=\phi(\xi),$$

бу ерда $\tau(t)=\begin{cases} \dfrac{(T+t)^{1-\alpha_1(p-2)-\alpha_2 m_1}}{1-\alpha_1(p-2)-\alpha_2 m_1}, & 1-\alpha_1(p-2)-\alpha_2 m_1>0, \\ \ln(T+t), & 1-\alpha_1(p-2)-\alpha_2 m_1=0, \\ -\dfrac{(T+t)^{1-\alpha_1(p-2)-\alpha_2 m_1}}{1-\alpha_1(p-2)-\alpha_2 m_1}, & 1-\alpha_1(p-2)-\alpha_2 m_1<0. \end{cases}$

$$\xi=\begin{cases} x\tau^{-\frac{1}{p}}, & 1-\alpha_2 m_1-\alpha_1(p-2)\neq 0,\\ x-\tau, & 1-\alpha_2 m_1-\alpha_1(p-2)=0.\end{cases}$$

$f(\xi)$, $\phi(\xi)$ функциялар эса қуйидаги автомодель масаланинг ечими бўлади

$$\begin{aligned} Lf &\equiv \frac{1}{p}\xi\frac{df}{d\xi}+\phi^{m_1}\frac{d}{d\xi}\left(\left|\frac{df}{d\xi}\right|^{p-2}\frac{df}{d\xi}\right)+\frac{\varepsilon\alpha_1}{1-\alpha_2 m_1-\alpha_1(p-2)}f=0,\\ L\phi &\equiv \frac{1}{p}\xi\frac{d\phi}{d\xi}+f^{m_2}\frac{d}{d\xi}\left(\left|\frac{d\phi}{d\xi}\right|^{p-2}\frac{d\phi}{d\xi}\right)+\frac{\varepsilon\alpha_2}{1-\alpha_1 m_2-\alpha_2(p-2)}\phi=0, \end{aligned} \qquad (3)$$

$$f(0)=M_1>0,\ \phi(0)=M_2>0,\ f(d_1)=\phi(d_2)=0,\ 0<d_1<\infty,\ \ 0<d_2<\infty. \qquad (4)$$

Секин диффузия ҳоли ($p-2-m>0,\ m=\max\{m_1,m_2\}$):

Қуйидаги функциялар

$$\bar f(\xi)=\begin{cases} A\left(a-\xi^{\gamma}\right)_+^{\gamma_1}, & 1-\alpha_2 m_1-\alpha_1(p-2)\neq 0,\\ M_1\exp(-\xi), & 1-\alpha_2 m_1-\alpha_1(p-2)=0,\end{cases}$$

$$\bar\phi(\xi)=\begin{cases} B\left(a-\xi^{\gamma}\right)_+^{\gamma_2}, & 1-\alpha_2 m_1-\alpha_1(p-2)\neq 0,\\ M_2\exp(-\xi), & 1-\alpha_2 m_1-\alpha_1(p-2)=0,\end{cases}$$

$\xi<a^{(p-1)/p}$ бажарилганда (4) шартни қаноатлантиради, бу ерда $\gamma=\dfrac{p}{p-1},\ \gamma_1=\dfrac{(p-1)(p-2-m_1)}{(p-2)^2-m_1m_2},\ \gamma_2=\dfrac{(p-1)(p-2-m_2)}{(p-2)^2-m_1m_2},$ $b_+=\max(0,b),$

$a^{\gamma_1}A=M_1,\ \ a^{\gamma_2}B=M_2$.

Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$C_i=\begin{cases} \dfrac{\alpha_i}{1-\alpha_{3-i}m_i-\alpha_i(p-2)}, & 1-\alpha_2 m_1-\alpha_1(p-2)>0,\\ -\dfrac{\alpha_i}{1-\alpha_{3-i}m_i-\alpha_i(p-2)}, & 1-\alpha_2 m_1-\alpha_1(p-2)<0,\ \ i=1,2.\end{cases}$$

Қуйидаги теорема ўринли.

Теорема 1. Фараз қилайлик $p-2-m>0,\ m=\max\{m_1,m_2\}$,

$$-\frac{\gamma_i}{p(\gamma_i-1)(p-1)}+C_i\le 0,\ \ i=1,2,$$

$$A^{p-2}B^{m_1}\gamma(\gamma_1-m_1\gamma_2)\,|\,\gamma\gamma_1\,|^{p-2}=\frac{1}{p},$$

$$A^{m_2}B^{p-2}\gamma(\gamma_2-m_2\gamma_1)\,|\,\gamma\gamma_2\,|^{p-2}=\frac{1}{p},$$

$u_+\left(0,x\right)\geq u_0\left(x\right),\ v_+\left(0,x\right)\geq v_0\left(x\right),\ x\in R$ ўринли бўлсин.

У ҳолда (1)-(2) масала учун Q соҳада глобал ечим мавжуд ва унинг учун қуйидаги баҳо ўринли бўлади $u_+\left(t,x\right)\geq u\left(t,x\right),\ v_+\left(t,x\right)\geq v\left(t,x\right),\ x\in R,$

бу ерда $u_+\left(t,x\right)=\left(T+t\right)^{-\alpha_1}\bar{f}\left(\xi\right),\ v_+\left(t,x\right)=\left(T+t\right)^{-\alpha_2}\bar{\phi}\left(\xi\right).$

Фараз қилайлик $\alpha_2 m_1+\alpha_1\left(p-2\right)=\alpha_1 m_2+\alpha_2\left(p-2\right)$ тенглик бажарилсин. У ҳолда қуйидаги теорема ўринли:

Теорема 2. Фараз қилайлик $1-\alpha_2 m_1-\alpha_1\left(p-2\right)\neq 0$ бўлсин. У ҳолда (3), (4) масаланинг финит ечими $\xi\to a^{\frac{p-1}{p}}$ да қуйидаги асимптотикага эга

$$f(\xi)=c_1\left(a-\xi^{\frac{p}{p-1}}\right)^{\frac{(p-1)(p-2-m_1)}{(p-2)^2-m_1m_2}},\ \phi\left(\xi\right)=c_2\left(a-\xi^{\frac{p}{p-1}}\right)^{\frac{(p-1)(p-2-m_2)}{(p-2)^2-m_1m_2}},$$

бу ерда c_i (i=1,2) коэффициентлар қуйидаги ночизиқли алгебраик тенгламалар системасининг ечими

$$c_1^{p-2}c_2^{m_1}=b_{11},$$
$$c_2^{p-2}c_1^{m_2}=b_{12}.$$

Тез диффузия ҳоли ($1<p<2-m,\ m=\max\{m_1,m_2\}$):

Фараз қилайлик (3) тенгламалар системаси учун қуйидаги шарт бажарилсин

$$f'\left(0\right)=0,\ \phi'\left(0\right)=0,\ f\left(\infty\right)=0,\ \phi\left(\infty\right)=0. \quad (5)$$

Қуйидаги функциялар

$$\bar{f}\left(\xi\right)=A\left(a+\xi^{\frac{p}{p-1}}\right)_+^{-\frac{(p-1)(2+m_1-p)}{(p-2)^2-m_1m_2}},\ \ \bar{\phi}\left(\xi\right)=B\left(a+\xi^{\frac{p}{p-1}}\right)_+^{-\frac{(p-1)(2+m_2-p)}{(p-2)^2-m_1m_2}},$$

(5) шартни қаноатлантиради, бу ерда $A>0,\ B>0,\ a>0,\ b_+=\max(0,b)$.

Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$C_i=\begin{cases}\dfrac{\alpha_i}{1-\alpha_{3-i}m_i-\alpha_i\left(p-2\right)}, & 1-\alpha_2 m_1-\alpha_1\left(p-2\right)>0,\\ -\dfrac{\alpha_i}{1-\alpha_{3-i}m_i-\alpha_i\left(p-2\right)}, & 1-\alpha_2 m_1-\alpha_1\left(p-2\right)<0,\ i=1,2.\end{cases}$$

Теорема 3. Фараз қилайлик $1<p<2-m,\ m=\max\{m_1,m_2\},$

$$\frac{\gamma_i}{p\left(p-1\right)\left(1-\gamma_i\right)}+C_i\geq 0,\ \ i=1,2,$$

$$A^{p-2}B^{m_1}\gamma\left(m_1\gamma_2-\gamma_1\right)|\,\gamma\gamma_1\,|^{p-2}=\frac{1}{p},$$

$$A^{m_2}B^{p-2}\gamma\left(m_2\gamma_1-\gamma_2\right)|\,\gamma\gamma_2\,|^{p-2}=\frac{1}{p},$$

$u_0(x) \geq u_-(0,x),\ v_0(x) \geq v_-(0,x),\ x \in R$ ўринли бўлсин.

У ҳолда (1)-(2) масала учун Q соҳада глобал ечим мавжуд ва унинг учун қуйидаги баҳо ўринли бўлади $u(t,x) \geq u_-(t,x),\ v(t,x) \geq v_-(t,x),\ x \in R,$

бу ерда $u_-(t,x) = (T+t)^{-\alpha_1} \bar{f}(\xi),\ v_-(t,x) = (T+t)^{-\alpha_2} \bar{\phi}(\xi).$

Бу параграфда (3), (5) масаланинг чексизликда сўнувчи ечимлари қаралган.

Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$b_{i3} = \left(1 - \frac{1}{p}\right)^p \left(\frac{2+m_i-p}{(p-2)^2 - m_1 m_2} - C_i\right),\ b_{i5} = \left(1 - \frac{1}{p}\right)^p \frac{2(2+m_i-p)}{(p-2)^2 - m_1 m_2},$$

$$b_{i4} = (p-1)^{-p-1} \left|\frac{(p-2)^2 - m_1 m_2}{2+m_i-p}\right|^{p-1} \left(\frac{2+m_i-p}{(p-2)^2 - m_1 m_2} + \frac{1}{p}\right)^{-1},\ i = 1,2.$$

Теорема 4. Фараз қилайлик $1 - \alpha_2 m_1 - \alpha_1(p-2) \neq 0$ бўлсин. У ҳолда (3), (5) масаланинг чексизликда сўнувчи ечимлари $\xi \to \infty$ да қуйидаги асимптотикага эга

$$f(\xi) = c_1 \left(a + \xi^{\frac{p}{p-1}}\right)^{-\frac{(p-1)(2+m_1-p)}{(p-2)^2 - m_1 m_2}},\ \phi(\xi) = c_2 \left(a + \xi^{\frac{p}{p-1}}\right)^{-\frac{(p-1)(2+m_2-p)}{(p-2)^2 - m_1 m_2}},$$

бу ерда c_i (i=1,2) коэффициентлар қуйидаги ночизиқли алгебраик тенгламалар системасининг ечими

$$c_1^{p-2} c_2^{m_1} = b_{13}\, b_{14},$$
$$c_2^{p-2} c_1^{m_2} = b_{23}\, b_{24}.$$

Натижа 1. (1)-(2) масаланинг умумлашган ечими $x \to a^{\frac{p-1}{p}} \tau^{\frac{1}{p}}$ да қуйидаги асимптотик ифодага эга

$$u_A(t,x) = c_1 (T+t)^{-\alpha_1} \left(a - \left(x\tau^{-1/p}\right)^{\frac{p}{p-1}}\right)^{\frac{(p-1)(p-2-m_1)}{(p-2)^2 - m_1 m_2}},$$

$$v_A(t,x) = c_2 (T+t)^{-\alpha_2} \left(a - \left(x\tau^{-1/p}\right)^{\frac{p}{p-1}}\right)^{\frac{(p-1)(p-2-m_2)}{(p-2)^2 - m_1 m_2}}.$$

1.4 параграф биологик турлар учун диффузия жараёнини моделлаштирувчи параболик типдаги квазичизиқли нодивергент тенгламалар системаси учун қуйидаги Коши масаласи автомодель ечимлар асимптотикаси тадқиқига бағишланган

$$\frac{\partial u}{\partial t} = v^{\alpha_1} \nabla\left(u^{m_1 - 1} \nabla u\right),\ \frac{\partial v}{\partial t} = u^{\alpha_2} \nabla\left(v^{m_2 - 1} \nabla v\right),\ t > 0,\ x \in R^N, \tag{6}$$

$$u|_{t=0}=u_0(x)\ge 0,\quad v|_{t=0}=v_0(x)\ge 0,\quad x\in R^N, \tag{7}$$

бу ерда $\nabla(\cdot)=grad_x(\cdot)$, m_1, m_2, α_1, α_2 - берилган ҳақиқий сонлар, $N\ge 1-$ фазо ўлчови, $u=u(t,x)\ge 0$, $v=v(t,x)\ge 0$ - изланаётган ечимлар.

Маълумки, (6) система сонли параметрлари қийматларига боғлиқ ҳолда турли жараёнларни ифодалайди: биологик тур диффузияси, кучсиз магнит майдонларида резистив диффузия ҳодисалари, инфекцион касалликлар тарқалиши ва бошқалар.

Ундан ташқари, (6) система $\alpha_1=0,\ \alpha_2=0$ бажарилганда ғовак муҳит, ночизиқли иссиқлик тарқалиш ёки ночизиқли диффузия тенгламалар системаси сифатида маълум.

Ечимни солиштириш теоремалари ва эталон тенгламалар усулини қўллаган ҳолда, (6)-(7) масаланинг ечими баҳолари олинган. Бу ҳолда ҳам юқоридаги 1-4 теоремалар ўринли эканлиги исботланган.

1.5 параграфда $\mathrm{Q}=\{(\mathrm{t},\mathrm{x}):\ \mathrm{t}>0,\ \mathrm{x}\in\mathrm{R}^{\mathrm{N}}\}$ соҳада икки карра ночизиқли параболик типдаги нодивергент тенгламалар системаси учун Коши масаласи қаралган

$$\begin{aligned}\frac{\partial u}{\partial t}&=v^{m_1}\nabla\left(\left|\nabla u^k\right|^{p-2}\nabla u^l\right),\\ \frac{\partial v}{\partial t}&=u^{m_2}\nabla\left(\left|\nabla v^k\right|^{p-2}\nabla v^l\right),\end{aligned} \tag{8}$$

$$u|_{t=0}=u_0(x)\ge 0,\quad v|_{t=0}=v_0(x)\ge 0,\quad \forall x\in R^N \tag{9}$$

бу ерда $\mathrm{p},\ \mathrm{m}_1,\ \mathrm{m}_2,\mathrm{k},\mathrm{l}$ - мусбат ҳақиқий сонлар, $u=u(t,x)\ge 0$, $v=v(t,x)\ge 0$ - изланаётган ечимлар.

(8)-(9) масаланинг автомодель ечимлари асимптотик ифодалари қурилган, сонли параметрлари қийматларига боғлиқ ҳолда уларнинг мавжудлигининг зарурий ва етарли шартлари топилган.

(8) системанинг автомодель ечимлари қуйидаги кўринишда изланади

$$\mathrm{u}(\mathrm{t},\mathrm{x})=(\mathrm{T}+\mathrm{t})^{-\alpha_1}\mathrm{w}(\tau,\mathrm{x}),\quad \mathrm{w}(\tau,\mathrm{x})=\mathrm{f}(\xi),$$

$$\mathrm{v}(\mathrm{t},\mathrm{x})=(\mathrm{T}+\mathrm{t})^{-\alpha_2}\varphi(\tau,\mathrm{x}),\quad \varphi(\tau,\mathrm{x})=\phi(\xi),$$

бу ерда

$$\tau(\mathrm{t})=\begin{cases}\dfrac{(\mathrm{T}+\mathrm{t})^{1-\alpha_1(\mathrm{k}(\mathrm{p}-2)+\mathrm{l}-1)-\alpha_2\mathrm{m}_1}}{1-\alpha_1(\mathrm{k}(\mathrm{p}-2)+\mathrm{l}-1)-\alpha_2\mathrm{m}_1}, & 1-\alpha_1(\mathrm{k}(\mathrm{p}-2)+\mathrm{l}-1)-\alpha_2\mathrm{m}_1>0,\\ \ln(\mathrm{T}+\mathrm{t}), & 1-\alpha_1(\mathrm{k}(\mathrm{p}-2)+\mathrm{l}-1)-\alpha_2\mathrm{m}_1=0,\\ -\dfrac{(\mathrm{T}+\mathrm{t})^{1-\alpha_1(\mathrm{k}(\mathrm{p}-2)+\mathrm{l}-1)-\alpha_2\mathrm{m}_1}}{1-\alpha_1(\mathrm{k}(\mathrm{p}-2)+\mathrm{l}-1)-\alpha_2\mathrm{m}_1}, & 1-\alpha_1(\mathrm{k}(\mathrm{p}-2)+\mathrm{l}-1)-\alpha_2\mathrm{m}_1<0.\end{cases}$$

$$\xi=\begin{cases}|x|\tau^{-\frac{1}{p}}, & 1-\alpha_i\left(k(p-2)+l-1\right)-\alpha_{3-i}m_i\neq 0,\\ \sum\limits_{i=1}^{N}\mu_i x_i-\tau, & 1-\alpha_i\left(k(p-2)+l-1\right)-\alpha_{3-i}m_i=0\quad (i=1,2),\end{cases}$$

Акслантиришлардан сўнг (8) система қуйидаги кўринишга ўтади

$$\begin{aligned}&\frac{1}{p}\xi\frac{df}{d\xi}+\phi^{m_1}\xi^{1-N}\frac{d}{d\xi}\left(\xi^{N-1}\left|\frac{df^k}{d\xi}\right|^{p-2}\frac{df^l}{d\xi}\right)+c_1 f=0,\\ &\frac{1}{p}\xi\frac{d\phi}{d\xi}+f^{m_2}\xi^{1-N}\frac{d}{d\xi}\left(\xi^{N-1}\left|\frac{d\phi^k}{d\xi}\right|^{p-2}\frac{d\phi^l}{d\xi}\right)+c_1\phi=0.\end{aligned}\tag{10}$$

Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$c_{i1}=-\frac{(p-1)^p A_{3-i}^{-\gamma_i}A_i^{2-p}a^{-\frac{p-1}{p}}}{(p+\gamma_i-2)p^p\varphi_i},\quad c_{i2}=\frac{|p-1|^p(1-\gamma_i)}{|p+\gamma_i-2|},\quad c_{i3}=-\frac{(p-1)^p A_{3-i}^{-\gamma_i}A_i^{1+q_i-p}\psi_i}{p^p\varphi_i a},$$

Фараз қилайлик $(q_1-1)(p-2-\gamma_1)=(q_2-1)(p-2-\gamma_2)$ тенглик бажарилсин. У ҳолда қуйидаги теорема ўринли:

Теорема 5. Фараз қилайлик $1-n_1(p-2)-n_2\gamma_1>0$ бўлсин. У ҳолда (10) системанинг компакт юритувчили ечими учун $\xi\to a^{\frac{p-1}{p}}$ да қуйидаги асимптотика ўринлидир

$$f_i(\xi)=A_i\left(a-\xi^{\frac{p}{p-1}}\right)^{\frac{p-1}{p+\gamma_i-2}}\left(y_i^0+o(1)\right)$$

бу ерда y_i^0 (i=1,2) ночизиқли алгебраик тенгламалар системасининг мос равишда z_i (i=1,2) ечимлари

1. $c_{i1}+c_{i2}z_i^{p-2}z_{3-i}^{\gamma_i}+c_{i3}z_i^{q_i-1}=0$ агар $\gamma_1=\gamma_2$ ва $b_{i2}=0$ (i=1,2) бўлса.
2. $c_{i1}+c_{i2}z_i^{p-2}z_{3-i}^{\gamma_i}=0$ агар $\gamma_1=\gamma_2$ ва $b_{i2}>0$ (i=1,2) бўлса.
3. $c_{i2}z_i^{p-1}z_{3-i}^{\gamma_i}+c_{i3}z_i^{q_i-1}=0$ агар $b_{i1}>0$ ва $b_{i2}=0$ (i=1,2) бўлса.

Бундан келиб чиқадики, (8) системанинг умумлашган ечими $x\to a^{\frac{p-1}{p}}\tau^{\frac{1}{p}}$ да қуйидаги асимптотик ифодага эга

$$u_{iA}(t,x)=A_i^2(T+t)^{-\frac{1}{1-q_i}}\left(a-\left(\frac{|x|}{\tau^{1/p}}\right)^{\frac{p}{p-1}}\right)^{\frac{p-1}{p+\gamma_i-2}}\left(y_i^0+o(1)\right)\qquad i=1,2.$$

Диссертациянинг **«Манба ёки ютилишга эга икки карра ночизиқли муҳитда биологик тур диффузияси жараёнини математик моделлаштириш»** деб номланган иккинчи боби диффузия жараёнлари ночизиқли математик модели ечимлари учун вақт бўйича глобаллик ва глобал бўлмаслик шартларини ўрганишга, автомодель ечимлари асимптотикаларини тадқиқ этишга бағишланган.

2.1 параграфда Q={(t,x): 0< t < ∞, x∈R^1} соҳада икки компонентли биологик тур диффузиясини ифодаловчи нодивергент система ечимининг сифат хоссалари тадқиқ этилган

$$\begin{aligned} \frac{\partial u}{\partial t} &= u^{\gamma_1}\frac{\partial}{\partial x}\left(\left|\frac{\partial u}{\partial x}\right|^{\sigma}\frac{\partial u}{\partial x}\right)+\varepsilon v^{q_1}, \\ \frac{\partial v}{\partial t} &= v^{\gamma_2}\frac{\partial}{\partial x}\left(\left|\frac{\partial v}{\partial x}\right|^{\sigma}\frac{\partial v}{\partial x}\right)+\varepsilon u^{q_2}, \end{aligned} \quad (11)$$

бу ерда $\sigma,\ \gamma_i,\ q_i\ (i=1,2)$ - мусбат ҳақиқий сонлар, $\varepsilon=\pm1,\ u=u(t,x)\geq 0,$ $v=v(t,x)\geq 0$ - изланаётган ечимлар.

(11) тенгламалар системаси кўп физик ҳодисаларни ифодалайди. Хусусан, (11) системада $q=\gamma+1,\ 0<\gamma<1$ бўлганда битта тенглама учун ғовак муҳит тенгламаси хусусий ҳолига, $q=2$ бўлганда физика плазмаси ҳодисасига мос келади.

(11) системада $q=\gamma+1, \sigma=0$ бўлганда битта тенглама учун Chen H., Wang Ch., Yin J. томонидан Коши масаласи ўрганилган, глобал ечим мавжудлиги исботланган, ечимнинг асимптотик хоссалари ўрганилган. (11) системада $q=0, \sigma=0$ бўлганда битта тенглама учун Zhou W., Yao Z., Wiegner M. томонидан Коши масаласи ўрганилган, ягона ёпишқоқ ечим мавжудлиги исботланган, ечимнинг асимптотик хоссалари ўрганилган. (11) системада $\sigma=0$ бўлганда битта тенглама учун Wiegner M., Wang S., Wang M.X., Xie C.H. томонидан Коши масаласи ўрганилган, blow-up хоссаси ва ечимнинг асимптотик хоссалари тадқиқ этилган. (11) системада $q=0$ бўлганда битта тенглама учун Raimbekov J.R. томонидан Коши масаласи ўрганилган, ечимнинг асимптотик ҳолати тадқиқ этилган, тез ва секин диффузия ҳоллари ўрганилган.

(11) система учун автомодель тенгламалар ечимлари асимптотикасини ўрганиш учун жорий системани тадқиқ этиш осонроқ бўлган кўринишга келтирамиз. Бунинг учун (11) системага қуйидаги алмаштиришларни қўллаймиз

$$\begin{aligned} u(t,x)&=\bar{u}(t)w_1(\tau,x),\ \ w_1(\tau,x)=f_1(\xi),\ \ f_1(\xi)=\bar{f}_1(\xi)y_1(\eta), \\ v(t,x)&=\bar{v}(t)w_2(\tau,x),\ \ w_2(\tau,x)=f_2(\xi),\ \ f_2(\xi)=\bar{f}_2(\xi)y_2(\eta), \end{aligned}$$

бу ерда

$$\bar{u}(t)=A_1(T+\varepsilon t)^{\varepsilon n_1},\ \ \bar{v}(t)=A_2(T+\varepsilon t)^{\varepsilon n_2},\ \ \tau(t)=A_1^{\gamma_1+\sigma}\frac{(T+\varepsilon t)^{\varepsilon n_1(\gamma_1+\sigma)+1}}{\varepsilon n_1(\gamma_1+\sigma)+1},$$

$$\xi=x\tau^{-\frac{1}{\sigma+2}},$$

$$\eta=-\ln\left(a-b\xi^{\frac{\sigma+2}{\sigma+1}}\right),\ \overline{f_i}(\xi)=\left(a-b\xi^{\frac{\sigma+2}{\sigma+1}}\right)^{\frac{\sigma+1}{\sigma+\gamma_i}},\quad (i=1,2),\ a>0,\ b>0.$$

алмаштиришдан сўнг (11) система қуйидаги кўринишга келади

$$\begin{gathered}y_i^{\gamma_i}\frac{d}{d\eta}\left(\left|\frac{dy_i}{d\eta}+a_{i0}(\eta)y_i\right|^{\sigma}\left(\frac{dy_i}{d\eta}+a_{i0}(\eta)y_i\right)\right)+a_{i2}(\eta)\left(\frac{dy_i}{d\eta}+a_{i0}(\eta)y_i\right)+\\+a_{i1}(\eta)y_i^{\gamma_i}\left(\left|\frac{dy_i}{d\eta}+a_{i0}(\eta)y_i\right|^{\sigma}\left(\frac{dy_i}{d\eta}+a_{i0}(\eta)y_i\right)\right)+a_{i3}(\eta)y_{3-i}^{q_i}+a_{i4}(\eta)y_i=0\end{gathered}\tag{12}$$

Бу ерда $a_{ij}(\eta)$ ифодаси аниқланган функциялар.

Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$c_{i1}=\frac{1}{(\sigma+2)^{\sigma+2}(\sigma+\gamma_i)b^{\sigma+1}},\quad c_{i2}=\frac{\gamma_i-1}{(\sigma+\gamma_i)^{\sigma+2}},\quad c_{i3}=-\frac{\psi_i}{ab^{\sigma+1}(\sigma+2)}\quad (i=1,2).$$

Қуйидаги теорема исботланган.

Теорема 6. Фараз қилайлик $(1+q_1)(\gamma_1+\sigma)=(1+q_2)(\gamma_2+\sigma)$ бўлсин. У ҳолда (12) системанинг $y_i(\eta)=y_i^0+o(1),\ \eta\to+\infty$ ($0<y_i^0<+\infty$ (i=1,2)) кўринишдаги $(y_1(\eta),y_2(\eta))$ ечими мавжуд бўлиши учун қуйидаги шартлардан бири бажарилиши зарур:

1. $s_i=0$ ва y_i^0 (i=1,2) ночизиқли алгебраик тенгламалар системасининг

$$c_{i1}+c_{i2}z_i^{\sigma+\gamma_i}+c_{i3}z_iz_{3-i}^{q_i}=0\quad (i=1,2).$$

мос равишда z_i (i=1,2) ечимлари.

2. $s_i>0$ ва y_i^0 (i=1,2) ночизиқли алгебраик тенгламалар системасининг

$$c_{i1}+c_{i2}z_i^{\sigma+\gamma_i}=0\quad (i=1,2).$$

мос равишда z_i (i=1,2) ечимлари.

3. $s_1=0, s_2>0$ ва y_i^0 (i=1,2) ночизиқли алгебраик тенгламалар системасининг

$$c_{11}+c_{12}z_1^{\sigma+\gamma_1}+c_{13}z_1z_2^{q_1}=0,$$
$$c_{21}+c_{22}z_2^{\sigma+\gamma_2}=0$$

мос равишда z_i (i=1,2) ечимлари.

4. $s_1>0, s_2=0$ ва y_i^0 (i=1,2) ночизиқли алгебраик тенгламалар системасининг

$$c_{21}+c_{22}z_2^{\sigma+\gamma_2}+c_{23}z_2z_1^{q_2}=0,$$
$$c_{11}+c_{12}z_1^{\sigma+\gamma_1}=0.$$

мос равишда z_i (i=1,2) ечимлари.

2.2 параграф $Q=\{(t,x):\ t>0,\ x\in R^N\}$ соҳада қуйидаги масала ечимининг сифат хоссаларини тадқиқ этишга бағишланган

$$\frac{\partial u}{\partial t}=v^{\alpha_1}\nabla\left(u^{m_1-1}\nabla u\right)+\varepsilon u^{\beta_1},\ \frac{\partial v}{\partial t}=u^{\alpha_2}\nabla\left(v^{m_2-1}\nabla v\right)+\varepsilon v^{\beta_2}, \quad (13)$$

$$u|_{t=0}=u_0(x)\ge 0,\ v|_{t=0}=v_0(x)\ge 0,\ \forall x\in R^N \quad (14)$$

бу ерда $m_1,\ m_2,\ \alpha_1,\ \alpha_2,\beta_1,\beta_2$ - мусбат ҳақиқий сонлар, $\varepsilon=\pm 1,\ u=u(t,x)\ge 0,$ $v=v(t,x)\ge 0$ - изланаётган ечимлар.

(13) ночизиқли система сонли параметрларига боғлиқ ҳолда умумлашган ечим вақт бўйича глобаллик шартлари ўрганилади.

Автомодель система ночизиқли ажратиш алгоритми ёрдамида қурилган:

$$\begin{aligned}&\phi^{\alpha_1}\xi^{1-N}\frac{d}{d\xi}\left(\xi^{N-1}f^{m_1-1}\frac{df}{d\xi}\right)+\frac{\xi}{2b_1}\frac{df}{d\xi}+d_1\left(f^{\beta_1}-f\right)=0,\\&f^{\alpha_2}\xi^{1-N}\frac{d}{d\xi}\left(\xi^{N-1}\phi^{m_2-1}\frac{d\phi}{d\xi}\right)+\frac{\xi}{2b_2}\frac{d\phi}{d\xi}+d_2\left(\phi^{\beta_2}-\phi\right)=0,\end{aligned} \quad (15)$$

$$f(0)=M_1>0,\ \phi(0)=M_2>0,\ f(s_1)=\phi(s_2)=0,\ 0<s_1<\infty,\ \ 0<s_2<\infty, \quad (16)$$

Фараз қилайлик $n_1(m_1-1)+n_2\alpha_1=n_2(m_2-1)+n_1\alpha_2$ тенглик бажарилсин. У ҳолда қуйидаги теорема ўринли:

Теорема 7. Фараз қилайлик $\varepsilon=+1,\quad 1+\varepsilon\alpha_1 n_2+\varepsilon n_1(m_1-1)>0,$ $\beta_i<1,\ i=1,2$ бўлсин. У ҳолда (15), (16) масаланинг компакт юритувчили ечими учун $\xi\to\sqrt{a}$ да қуйидаги асимптотика

$$f(\xi)=z_1\left(a-\xi^2\right)^{p_1}\left(1+o(1)\right),\ \phi(\xi)=z_2\left(a-\xi^2\right)^{p_2}\left(1+o(1)\right),$$

ўринли бўлиши учун, қуйидаги шартлардан бири бажарилиши зарур:

1. $p_1=\dfrac{1}{1-\beta_1},\ p_2=\dfrac{1}{1-\beta_2}$ ва z_1, z_2 - қуйидаги ночизиқли алгебраик тенгламалар системасининг ечимлари

$$c_{i1}z_i^{\beta_i-1}+c_{i2}z_i^{m_i-1}z_{3-i}^{\alpha_i}+c_{i3}=0,\ i=1,2.$$

2. $p_i<\dfrac{1}{1-\beta_i},\ m_i p_i<1,\ \ i=1,2$ ва z_1, z_2 - қуйидаги ночизиқли алгебраик тенгламалар системасининг ечимлари

$$c_{i1}z_i^{\beta_i-m_i}+c_{i2}z_{3-i}^{\alpha_i}=0,\ i=1,2.$$

3. $p_1=\dfrac{1}{1-\beta_1},\ p_2<\dfrac{1}{1-\beta_2},\ m_2 p_2<1$ ва z_1, z_2 - қуйидаги ночизиқли алгебраик тенгламалар системасининг ечимлари

$$\begin{cases}c_{11}z_1^{\beta_1-1}+c_{12}z_1^{m_1-1}z_2^{\alpha_1}+c_{13}=0,\\ c_{21}z_2^{\beta_2-m_2}+c_{22}z_1^{\alpha_2}=0.\end{cases}$$

4. $p_1 < \frac{1}{1-\beta_1}$, $p_2 = \frac{1}{1-\beta_2}$, $m_1 p_1 < 1$ ва z_1, z_2 - қуйидаги ночизиқли алгебраик тенгламалар системасининг ечимлари

$$\begin{cases} c_{11} z_1^{\beta_1 - m_1} + c_{12} z_2^{\alpha_1} = 0, \\ c_{21} z_2^{\beta_2 - 1} + c_{22} z_2^{m_2 - 1} z_1^{\alpha_2} + c_{23} = 0. \end{cases}$$

Натижа 2. (13)-(14) масаланинг умумлашган ечими $|x| \to a^{\frac{1}{2}} \tau^{\frac{1}{2}}$, $\varepsilon = +1$, $1 + \varepsilon\alpha_1 n_2 + \varepsilon n_1 (m_1 - 1) > 0$, $\beta_i < 1$, $i = 1,2$ да қуйидаги асимптотик ифодага эга

$$u_A(t,x) = A(T+t)^{n_1} \left(a - \left(|x| \tau^{-1/2}\right)^2\right)^{p_1} \left(1 + o(1)\right),$$

$$v_A(t,x) = B(T+t)^{n_2} \left(a - \left(|x| \tau^{-1/2}\right)^2\right)^{p_2} \left(1 + o(1)\right),$$

бу ерда $A = z_1 A_1$, $B = z_2 A_2$ и $n_1, n_2, p_1, p_2 -$ аниқланган ўзгармаслар.

2.3 параграфда ночизиқли муҳитларда диффузия жараёнлари, ғовак пластлар орқали суюқликлар оқими масаласи, биологик популяция динамикаси масаласи, политропик фильтрация жараёнларини ифодаловчи математик модел қаралган. $Q = \{(t,x):\ t > 0,\ x \in R^N\}$ соҳада қуйидаги параболик типдаги нодивергент система қаралган

$$\frac{\partial u_i}{\partial t} = u_i^{\gamma_i} \nabla \left(|\nabla u_i|^{\sigma} \nabla u_i \right) + \varepsilon u_{3-i}^{q_i}, \tag{17}$$

бу ерда σ, γ_i, q_i $(i = 1,2)$ - мусбат ҳақиқий сонлар, $\varepsilon = \pm 1$, $u_i = u_i(t,x) \geq 0$ - изланаётган ечимлар. $\varepsilon u_{3-i}^{q_i}$ ҳадлар манба $(\varepsilon = +1)$ ёки ютилишга $(\varepsilon = -1)$, эга эканлигини англатади. (17) системанинг $\varepsilon = -1$ бўлганда автомодел ечимининг асимптотик ифодаси топилган, сонли параметрларига боғлиқ ҳолда, улар мавжудлигининг зарурий ва етарли шартлари топилган.

Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$c_{i1} = -\frac{1}{(\sigma+2)^{\sigma+2} (\sigma + \gamma_i) b^{\sigma+1} \varphi_i},\quad c_{i2} = \frac{1-\gamma_i}{(\sigma+\gamma_i)^{\sigma+2}},\quad c_{i3} = -\frac{\psi_i}{ab^{\sigma+1} (\sigma+2)^{\sigma+2} \varphi_i},$$

$$c_{i4} = \frac{1-\gamma_i}{(\sigma+\gamma_i)^{\sigma+1}},\ c_{i5} = -\frac{(\sigma+1)\mu^{-1}\varphi_i^{-1}}{(\sigma+2)^{\sigma+1} b^{\sigma + \frac{1}{\sigma+2}} a^{\frac{\sigma+1}{\sigma+2}}} \quad (i = 1,2).$$

У ҳолда қуйидаги теорема ўринли:

Теорема 8. Фараз қилайлик $(1+q_1)(\gamma_1 + \sigma) = (1+q_2)(\gamma_2 + \sigma)$, $s_i = 0$ ва $-n_i(\sigma + \gamma_i) + 1 > 0$ бўлсин. У ҳолда (17) системанинг чексизликда сўнувчи ечимлари $x\left(A_1^{\gamma_1+\sigma}\frac{(T+t)^{-n_1(\gamma_1+\sigma)+1}}{-n_1(\gamma_1+\sigma)+1}\right)^{-\frac{1}{\sigma+2}}\to\left(\frac{a}{b}\right)^{\frac{\sigma+1}{\sigma+2}}$ да қуйидаги асимптотик ифодага эга

$$u_i(t,x)=A_i(T+t)^{-n_i}\left(a-b\left(x\left(A_1^{\gamma_1+\sigma}\frac{(T+t)^{-n_1(\gamma_1+\sigma)+1}}{-n_1(\gamma_1+\sigma)+1}\right)^{-\frac{1}{\sigma+2}}\right)^{\frac{\sigma+2}{\sigma+1}}\right)^{\frac{\sigma+1}{\sigma+\gamma_i}}y_i(\eta),$$

бу ерда $y_i(\eta)=y_i^0+o(1)$, $0<y_i^0<+\infty$ (i=1,2) ва y_i^0 (i=1,2) ночизиқли алгебраик тенгламалар системасининг

$$c_{i1}+c_{i2}z_i^{\sigma+\gamma_i}+c_{i3}z_i^{-1}z_{3-i}^{q_i}=0 \quad (i=1,2).$$

z_i (i=1,2) ечимлари.

§2.4 да $Q=\{(t,x):\ t>0,\ x\in R^N\}$ соҳада қуйидаги параболик типдаги нодивергент система қаралган

$$\frac{\partial u_i}{\partial t}=u_i^{\gamma_i}\nabla\left(\left|\nabla u_i\right|^{\sigma}\nabla u_i\right)-\prod_{j=1}^{2}u_j^{q_{ij}} \quad (i=1,2). \tag{18}$$

бу ерда σ, γ_i, q_{i1}, q_{i2} $(i=1,2)$ - мусбат ҳақиқий сонлар, $u_i=u_i(t,x)\ge 0$ - изланаётган ечимлар.

(18) система учун автомодел тенглама ечимлари асимптотикалари ўрганилган. Бу ҳолда ҳам юқоридаги 8-теорема ўринли эканлиги исботланган.

Натижа 3. (18) тенгламалар системасининг умумлашган ечими $|x|\to\left(\frac{a}{b}\right)^{\frac{\sigma+1}{\sigma+2}}\tau^{\frac{1}{\sigma+2}}$ да қуйидаги асимптотик ифодага эга

$$u_i(t,x)=A_i(T+t)^{-n_i}\left(a-b\left(\frac{x}{\tau^{\frac{1}{\sigma+2}}}\right)^{\frac{\sigma+2}{\sigma+1}}\right)^{\frac{\sigma+1}{\sigma+\gamma_i}}\left(y_i^0+o(1)\right), \quad i=1,2$$

$\sum_{i=1}^{N}\mu_i x_i\to\left(\frac{a}{b}\right)^{\frac{\sigma+1}{\sigma+2}}+\tau$ да қуйидаги асимптотик ифодага эга

$$u_i(t,x)=A_i(T+t)^{-n_i}\left(a-b\left(\sum_{i=1}^{N}\mu_i x_i-\tau\right)^{\frac{\sigma+2}{\sigma+1}}\right)^{\frac{\sigma+1}{\sigma+\gamma_i}}\left(y_i^0+o(1)\right), \quad i=1,2.$$

Диссертациянинг **«Ўзгарувчан зичликли муҳитда биологик тур диффузияси жараёнини математик моделлаштириш»** деб номланган учинчи боби ўзгарувчан зичликли муҳитда манба ёки ютилишга эга диффузия жараёнлари ночизиқли математик модели ечимлари сифат хоссаларини тадқиқ этиш, ночизиқли диффузия жараёнларини сонли моделлаштиришга бағишланган. Эталон тенгламалар усули асосида юқори ва қуйи ечимлар қурилган, вақт бўйича глобаллик ва глобал бўлмаслик шартлари олинган.

3.1 параграфда $Q=\{(t,x):\ 0< t < \infty,\ \ x\in R^1\}$ соҳада қуйидаги масала қаралган

$$|x|^n \frac{\partial u}{\partial t} = v^{\alpha_1}\nabla\left(u^{m_1-1}\nabla u\right),\ |x|^n \frac{\partial v}{\partial t} = u^{\alpha_2}\nabla\left(v^{m_2-1}\nabla v\right), \tag{19}$$

$$u|_{t=0} = u_0(x) \ge 0,\ \ v|_{t=0} = v_0(x) \ge 0,\ \ \forall x\in R^N \tag{20}$$

бу ерда $m_1, m_2, \alpha_1, \alpha_2$ - мусбат ҳақиқий сонлар, $n \ne -2$, $u = u(t,x) \ge 0$, $v = v(t,x) \ge 0$ - изланаётган ечимлар.

(19) ночизиқли нодивергент тенгламалар системаси ўзгарувчан зичлик ($|x|^n$) таъсирида кечадиган турли жараёнларни ифодалайди: биологик тур учун диффузия жараёни, кучсиз магнит майдонларида резистив диффузия ҳодисалари, инфекцион касалликлар тарқалиши ва бошқалар.

Бу параграфда жараён кезишига ўзгарувчан зичликнинг таъсири автомодель ёндошув асосида ўрганилган ва қуйидаги шартлар бажарилганда

$$1-\alpha_1 k_2 - k_1(m_1-1) > 0,\quad (m_1-1)(m_2-1)-\alpha_1\alpha_2 \ne 0,$$

$$\alpha_1 k_2 + k_1(m_1-1) = \alpha_2 k_1 + k_2(m_2-1),\ k_1 > 0,\ k_2 > 0,$$

системанинг қуйидаги

$$\begin{aligned} u(t,x) &= A_1(T+t)^{-k_1}\left(a-\left(1-\alpha_1 k_2 - k_1(m_1-1)\right)|x|^{n+2}(T+t)^{\alpha_1 k_2 + k_1(m_1-1)-1}\right)_+^{p_1}, \\ v(t,x) &= A_2(T+t)^{-k_2}\left(a-\left(1-\alpha_1 k_2 - k_1(m_1-1)\right)|x|^{n+2}(T+t)^{\alpha_1 k_2 + k_1(m_1-1)-1}\right)_+^{p_2}, \end{aligned} \tag{21}$$

